

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ: ХАЛҚИМИЗНИНГ ОЛИЖАНОБ ФАЗИЛАТЛАРИ БУГУН ЯНАДА КУЧЛИРОҚ ЖЎШ УРМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 22 апрель куни глобал инкироз ва пандемия шароитида аҳоли бандлиги масаласига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилиши аввалида коронавирус инфекциясига қарши кураш доирасида амалга оширилаётган ишларга яна бир бор алоҳида тўхталиб ўтди. Давлатимиз раҳбари, жумладан, шундай деди:

— Бугунги кунга қадар юзлаб юртдошларимиз бу касалликдан халос бўлиб, реабилитация режими-га ўтказилгани барчамизга, бутун эл-юртимизга катта куч беради.

Юзага келган вазиятни тўғри тушуниб, карантин қоидаларига оғишмай амал қилаётган, кўрилаётган чора-тадбирларни кенг қўллаб-қувватлаётган барча юртдошларимизга яна бир марта раҳмат айтаман.

Фурсатдан фойдаланиб, кечани кеча, кундузни кундуз демасдан, ҳақиқий қаҳрамонлик кўрсатиб, ушбу касалликка қарши курашаётган жонкуяр шифокорларимизга, улар билан бир сафда туриб хизмат қилаётган хорижий врачларга, шунингдек, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар ва Мудофаа вазирликлари ҳамда Миллий гвардия ходимларига ўз номидан, халқимиз номидан яна бир бор миннатдорлик билдирарман.

Мухтарам дўстлар! 20 апрель куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида биз халқаро ва миллий талабларга тўлиқ амал қилган ҳолда, мамлакатимизда карантин режими-ни босқичма-босқич юмшатиш, шу асосда тезроқ нормал ҳаётга қайтиш бўйича

дастлабки чора-тадбирларни белгилаб олган эдик. Бугунги кунда вирусдан холи ҳудудлардаги бир қатор саноат корхоналарида, қурилиш майдонларида, фермер ва кластер ҳўжаликларида, санитария-эпидемиологик нормаларга қатъий амал қилган ҳолда, ишлар аста-секин бошланди.

Айниқса, “Кўкламнинг ҳар бир дами — ганимат!” деган даъватни ўзлари учун ҳаётий шioriга айлантириб, далаларимизда, томорқаларда тер тўкиб, ҳалол меҳнат қилаётган фидойи деҳқон ва фермерларимизга, кластер ҳўжаликлари раҳбарлари ва ишчи-хизматчиларига ўз раҳматини айтаман.

Албатта, биз коронавирус пандемиясига қарши курашни бир лаҳза ҳам тўхтатмаймиз. Бу одамларимиз, аҳолимизнинг соғлиги, ҳаёти билан боғлиқ ўта муҳим масала.

Айни пайтда биз 34 миллионли халқимизни озиқ-овқат ва бошқа зарур маҳсулотлар билан кафолатланган ҳолда таъминлаш, фуқаролар даромадининг пасайиб кетишига йўл қўймаслик, ёрдам ва кўмакка муҳтож юртдошларимизни қўллаб-қувватлашдек гоят долзарб

вазифани ҳам кечиктирмасдан ҳал қилишимиз керак.

Бунинг учун иқтисодиётимизнинг етакчи тармоқлари барқарор ишлаш шарт. Кўриниб турганидек, биз бир вақтнинг ўзида қатор мураккаб вазифаларни ечишимиз зарур.

Ҳозирги оғир пайтда аҳолимизнинг ёрдам ва кўмакка муҳтож қатламларини аниқ, манзилли асосда қўллаб-қувватлаш мақсадида “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракатини йўлга қўйиш ҳақидаги ташаббусни халқимиз, жамоатчилигимиз кўтаринки руҳда, қизгин кўтиб олгани барчамизни, албатта, хурсанд қилади.

Бу масала бўйича муҳтарам факрийларимиз, олимлар, маданият ва санъат арбоблари, хурматли улаомларимиз, бизнес ҳамжамияти вакиллари, ёшларимиз томонидан телевидение ва газеталарда, ижтимоий тармоқларда билдирилаётган фикрлар, самимий муносабат бундай эзгу интилиш халқимизнинг юрагиди, қалбиди муҳассам эканини аяқол тасдиқлайди.

Бу самимий фикр-мулоҳазалар эл бошига иш тушган кийин дамларда бир-бирига елкадош бўлиш, бир-бирига эътибор ва ғамхўрлик

кўрсатиш каби энг олижаноб фазилатлар халқимизнинг юрагиди, қалбиди азалдан муҳассам бўлганини, бугун ушбу интилишлар янада кучлироқ жўш ураётганини намоён этади.

Шу маънода, улуг шоир ва мутафаккир Алишер Навоий бобоимизнинг “Саховатли инсоннинг бошига жаннат дарахтлари соя солади” деган сўзларида чуқур ҳикмат бор, албатта.

Мен, мана шу ташаббусни чин дилдан қўллаб-қувватлаб, бу савоб-ишга муносиб хисса қўшаётган барча ватандошларимизга, саховатли тадбиркорларимизга муқаддас китобларимизда айтилган “Яхшиликнинг муқофоти — фақат яхшиликдир”, деган ғалпи яна бир бор эслатмоқчиман.

Албатта, эҳтиёжманд, кам таъминланган инсонлар ва оилаларга меҳр ва ҳурмат билан ёрдам қўлини чўзадиган барча тадбиркорлар ва фермерларга, ҳўжалик бирлашмалари вакилларига, вазирилик, идора ва ташкилотларнинг ишчи-ҳодимларига бу қилган яхшиликлари бир неча бор зиёда бўлиб қайтади.

Таъкидлаб айтаман: ўз навбатида, давлатимиз, жамиятимиз саховатпеша тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.

Уларга ҳеч қандай оғирлик тушмайди.

Шу маънода, “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати давлатимиз ва халқимиз бирлигини, унинг бекиёс

қудратини ёрқин намоён этиб, янги тарихимиз саҳифаларидан мустаҳкам ўрин олади, деб ишонаман. Мана, жонажон Ватанимизга Рамазони шариф кириб келмоқда. Ушбу улуг айём муносабати билан нуруний отахон ва онахонларимизни, қадрли ака-ука, опа-сингилларимизни, йймон-эътиқодли халқимизни чин қалбимдан муво-ракбод этаман.

Барчангизга тинчлик-омонлик, оилавий хотиржамлик, бахту саодат ёр бўлишини тилайман. Бугунги ўткинчи кийинчиликларга қарамадан, Рамазони шариф ҳар доимгидек хонадонларимизга, дилларимизга қувонч, юртимизга файзу барака бахш этади, бир-биримизга бўлган меҳр-оқибатимизни янада зиёда қилади, деб ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, узоқ-яқин мамлакатлардаги мўймин-му-сулмон биродарларимизни ҳам самимий табриклаб, уларга ўз номидан, халқимиз номидан тинчлик ва фаровонлик тилайман.

Ҳаммамизга аёнки, Аллоҳ таолонинг марҳамати билан Рамазон ойида эзгу ниятлар ҳаққиб бўлади. Мана шу муборак ойда барчамиз тутган рўзаларимиз, қилаётган дуои фотиҳаларимиз, хайрли амалларимиз шарофати билан барча мамлакатлар қатори эл-юртимизни ҳам ушбу офатдан тезроқ халос этишини Яратган Парвардигордан сўраб қоламиз.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ ПРЕЗИДЕНТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 22 апрель куни Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған билан телефон орқали мулоқот қилди.

Суҳбат аввалида давлат раҳбарлари муворак Рамазон ойи бошлангани муносабати билан самимий қутловлар алмашиб, бир-бирлари ва биродар халқларимизга сихат-саломатлик, фаровонлик ва равнақ тиладилар.

Ўзбекистон Президенти ҳамкасби ва дўст Туркия халқини ушбу мамлакатда кент-нишонланадиган давлат байрами — Миллий суверенитет ва болалар куни билан ҳам табриклади.

Мулоқотда Шавкат Мирзиёев ва Режеп Таййип Эрдоған янги глобал хатар — коронавирус инфекциясининг шиддатли тарқалишига қарши курашишда яқиндан ҳамкорлик қилиш масалаларига алоҳида тўхталдилар.

Хусусан, томонлар мамлакатларимизда пандемияга қарши кураш, шунингдек, ушбу хавфли касаллик оқибатларининг амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ангилашларига ва инкирозга қарши қабул қилинаётган чоралар самарадорлигига салбий таъсирининг олдини олиш борасида кўриллаётган қатъий чора-тадбирларни тўлиқ қўллаб-қувватладилар.

Давлат раҳбарлари 10 апрель куни коронавирусга қарши курашишда ҳамкорликни кучайтириш ва сай-ҳаракатларни бirlаштириш масалаларига бағишлаб видеоанжуман тарзида ўтказилган Туркий тилида давлатлар ҳамкорлик Кенгаши навбатдан ташқари саммитнинг самарали натижаларини юксак баҳоладилар. Жумладан, эришилган келишувларга мувофиқ, амалий тажриба алмашиш ва

юзига келаётган масалаларни тезкор ҳал қилиш учун ўзаро мувофиқлашган тарзда ишлаш мақсадида яқин кунларда Туркий кенгаши ва биродар халқларимизга сихат-саломатлик, фаровонлик ва равнақ тиладилар.

Ўзбекистон ва Туркия Президентлари икки томонлама муносабатларни батафсил муҳокама қилдилар. Жорий йил февраль ойида Анкара шаҳрида ўтган Стратегик ҳамкорлик олий кенгаши биринчи ййгилиши якунида қабул қилинган қарорларни ўз вақтида амалга ошириш муҳимлиги қайд этилди.

Ўзаро савдо ҳажми суръатларини сақлаб қолиш, икки мамлакатнинг етакчи компания ва корхоналари иштирокидаги, биринчи навбатда, инновация, энергетика, транспорт, инфратузилма, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳалардаги устувор инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ва жадаллаштириш борасида ҳукуматлар даражасида чоралар кўриш муҳимлигига эътибор қаратилди.

Шу мақсадда Ҳукуматлараро қўшма комиссия ҳамраислари, Ўзбекистон ва Туркия ваколатли вазирилик ва идоралари раҳбарларининг икки томонлама маслаҳатлашувларини мунтазам ўтказиб боришга келишиб олинди.

Мулоқотда минтақавий ҳамкорлик ва халқаро сийсатга доир қатор долзарб масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Ў.а.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ДОИМИЙ ПРОПИСКА ҚИЛИШ ҲАМДА ТУРГАН ЖОЙ БЎЙИЧА ҲИСОБГА ОЛИШ ТАРТИБНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси ҳамда 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифалар ихросини таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг мамлакат ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга қўчиш борасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш кафолатларини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Кент жамоатчилик фикрларини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Вазирлар Маҳкамаси ва Ички ишлар вазирлигининг рухсат бериш хусусиятига эга бўлган доимий прописка қилиш тизимидан босқичма-босқич хабар бериш хусусиятидаги рўйхатдан ўтказиш тизимига ўтиш ҳамда биринчи босқичда қуйидагиларни амалга ошириш ҳақидаги тақлифларига розилик берилсин:

“доимий прописка қилиш” ва “турган жойи ҳисобга олиш” тушунчаларини “доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш” ва “вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш” тушунчаларига ўзгартириш; фуқароларга биринчи ва иккинчи даражадаги қариндошларини ўзи доимий яшаш жойи бўйича рўйхатда бўлган манзил билан бир қаторда эғалигида бўлган уй-жой майдонига доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга қўйиш имкониятини яратиш;

доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга қўйиш учун эрхотининг ниқодан кейин бир йил давомида биригаликда яшаш шарти ҳамда бир йил ичида никоҳ бекор қилинган тақдирда доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиниши йўқотилиши тўғрисидаги қондани олиб ташлаш;

(Давоми 2-бетда).

ДУНЁНИГОҲИ «ЎЗБЕКИСТОН МЎЪЖИЗАСИ»

Украинанинг етакчи ахборот агентлиги шундай сарлавҳада мақола эълон қилди.

Украинанинг “112.ua” ахборот агентлиги веб-сайтида халқаро муносабатлар бўйича сиёсатшунос Георгий Хукалейишвилининг Ўзбекистонда сўнгги йилларда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида олиб борилаётган кенг бағлимли ислохотий жараёни ва уларнинг натижаларига бағишланган таҳлилий мақоласи эълон қилинди. Ана шу материалнинг энг муҳим жиҳатларини эътиборингизга хавола қилимоқчимиз.

Янги давр

Сўнгги пайтларда Ўзбекистон халқаро матбуот ва экспертлар энг кўп эътибор қаратаётган давлатлардан бири бўлиб турибди,

дея фикрни бошлайди эксперт. Аввал Бош вазир сифатида фаолият юритган Шавкат Мирзиёев 2016 йилда мамлакат Президентлигига сайланган, қисқа вақт ичида ўзини сама-

рали менежер ва ислохотчи сифатида кўрсата олди.

2016 йилдан сўнг Ўзбекистонда бошланган ўзгаришлар ҳақида сўз юритар экан, сиёсатшунос, жумладан, Ўзбекистон сиёсий ва партиявий тизими жиддий эволюцияга юз тутганини таъкидлайди. Мамлакатда болалар ва мажбурий меҳнат қатъий таъқиқланди. Сиёсий сабаблар туфайли қамалган қўллаб-шасхлар озодликка чиқарилди.



ЕОИИ билан ҳамкорлик

ташқи меҳнат миграцияси масалаларида қандай ўзгаришларга олиб келади?

Айни пайтда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорлиги масаласининг барча жиҳати чуқур таҳлил қилинмоқда, қўмиталар, фракциялар ҳамда палатанинг кенгайтирилган мажлисларида атрофлича кўриб чиқилляпти. Хусусан, бу борада мигрантларимизнинг ҳуқуқлари қандай ҳал этилади, деган савол атрофида ҳам фикр-мулоҳазалар юритилди.

Нуктаи назар

Маълумотларга кўра, мамлакатимиз Евроосиё иқтисодий иттифоқига аъзо давлатлар ичида меҳнат ресурслари сони бўйича Россия Фе-

кўрсатади. Шу сабабли юртимизда ташқи меҳнат миграцияси ўта муҳим масалалардан бири саналади.

Юртимиздан чет давлатларга ишлаш учун чиқиб кетган фуқароларимизнинг 80 фоиздан ортиги Россия Федерацияси ва Қозоғистон Республикасида меҳнат қилади. Ўз навбатида, Ўзбекистон фуқаролари Россия Федерацияси ҳудудида ишлаётган хорижий фуқаролар сони бўйича биринчи ўринда туради.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И

ДОИМИЙ ПРОПИСКА ҚИЛИШ ҲАМДА ТУРГАН ЖОЙИ БЎЙИЧА ҲИСОБГА ОЛИШ ТАРТИБИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

оилага тарбияга олинган (патронат) шахслар уларнинг тутинган ота-онасининг доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинishi;

илгари Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган фуқаролар доимий яшаш учун тегишинча қайтиб келганида, уларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига **ҳеч қандай тўсиқларсиз доимий яшаш жойи бўйича қайта рўйхатга олиш**;

тегишли лавозимларга сайланган, тайинланган, тасдиқланган фуқароларга ҳамда республика аҳамиятга молик бошқа давлат ташкилотларига ишга тақлиф этилаётган юқори малакали мутахассислар учун лавозимни эгаллаб туриш даврига бериладиган **доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиниш ҳуқуқига чекловни бекор қилиш**;

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида joyлашган давлат органлари ва ташкилотларида **5 йил муддат мобайнида узлуксиз меҳнат фаолиятини юритаётган мутахассисларни** (техник, хизмат кўрсатувчи ва ишлаб чиқариш ҳодимларидан ташқари) мазкур ҳудудларда доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш;

республиканинг бошқа ҳудудларида доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги янги қурилган уйлارни сотиб олиб, **уч йил ичида сотган ҳолатларда давлат бојининг алоҳида ставкаларини қўллас тартибини бекор қилиш**.

Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда мазкур бандда назарда тутилган талаблардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига тегишли қонун лойиҳасини киритсин.

2. Маълумот учун қабул қилинсинки:

а) 2020 йил 1 апрелдан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида кўчмас мулкни олишда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун ушбу ҳудудларда доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинганлиги талаб қилинмайди;

б) Ўзбекистон Республикаси фуқароларини доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш билан боғлиқ ишлар идоралараро электрон ҳамкорлик орқали “Ягона дарча” тамойили асосида Ички ишлар вазирлигининг “Манзил” автоматлаштирилган ахборот тизими (кейинги ўринларда — “Манзил” тизими) воситасида амалга оширилади. Бунда Ўзбекистон Республикаси фуқароларини “Манзил” тизими орқали доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш;

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида — **2020 йил 1 сентябрдан**;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда — **2021 йил 1 январдан** бошлаб амалга оширилади;

в) доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартибини бузганлик Ўзбекистон Республикаси фуқароларини тегишли ҳудуд ва манзилдан чиқариб юбориш учун асос бўлиб ҳисобланмайди.

3. Белгилансинки:

а) **2020 йил 1 сентябрдан** қуйидагиларни назарда тутувчи тартиб жорий этилади:

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича **рўйхатдан ўтмасдан истикомат қилиш муддати 15 кун ҳисобланади**;

доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича **рўйхатга олишни расмийлаштириш бир кун ичида амалга оширилади**;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларини доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олишда аввалги доимий яшаш жойидан **рўйхатдан чиқиш тартиби бекор қилинади**;

«ЎЗБЕКИСТОН МЎЪЖИЗАСИ»

◀1 Очиқлик сиёсати бошланиб, мустакил экспертлар ва оммавий ахборот воситалари вујуд-га келдики, натижада илгари кўтарилиш-ш мумкин бўлмаган қўллаб-мавузлар кенг жамоатчилик орасида муҳокама қилина бошланди. Президент Мирзиёев ташаббуси билан Халқ қабулхоналари ташкил этилиб, ҳар қандай фуқаро ўзининг муаммоларни ҳақида давлат орган-ларига хабар бериши ва зарур ёрдам олиши мумкин. Давлат раҳбари корруп-ция ва унинг мамлакат тараққиётига сал-бий таъсири ҳақида очиқ гапириб кел-моқда. Унинг ташаббуси билан 2017 йили “Коррупцияга қарши курашиш тўғриси-да”ги Қонун ва тегишли Давлат дастури қабул қилинди. Давлат органлари фао-лияти самарадорлигига ва шаффофлигини таъминлаш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Жадал иқтисодий тараққиёт
Г. Кухалейшвилининг эътироф эти-шича, Ўзбекистонда иқтисодий соҳада том маънодаги фундаментал ўзгариш-лар ўз бермоқда. Айниқса, Шавакт Мирзиёев ташаббуси ва бевосита раҳ-барлигида халқаро экспертлар иштиро-кида амалга оширилган республика солиқ тизими ислохоти катта аҳамият касб этди. Бунга қадар Ўзбекистонда корхоналарга катта солиқ юми мавжуд бўлиб, уларни солиққа тортиш мурак-каб қоидаларга асосланганди. Фуқаро-лар кўплаб солиқлар тўлашга мажбур эдилар, масалан: 7,5 дан 22,5 фоизга-ча бўлган ва ҳар бир шахс учун алохи-

да ҳисобланадиган даромад солиғи, бюджетдан ташқари Пенсия жамғарма-сига 8 фоизлик тўловлар, корхона миқёсидан келиб чиққан ҳолда 15 дан 25 фоизгача ягона ижтимоий тўлов сингари.

Солиқ ислохоти натижасида жисмоний шахслар даромадлари учун ягона солиқ ставкаси жорий қилинди. Юридик шахс-лар оладиган фойда учун солиқ 14 дан 12 фоизга, банклар учун — 22 дан 20 фоизга камайтирилди. Кичик бизнес, жумладан, савдо нукталари эгалари қўшилган қиймат солиғидан озод қилин-ди. Мутахассисларнинг қайд этишича, амалга оширилган солиқ ислохоти Ўзе-бекистонда аҳоли даромадлари ортishiга хизмат қилиши кутилаётир.

Тахлилчи республикамизда бизнес юритиш учун яратилган шaroитлари юқори баҳолайди. Хусусан, мамлакатнинг турли ҳудудларида йигирмадан ортиқ махсус иқтисодий зоналар ташкил эти-либ, уларда хорижий инвесторларга қатор солиқ имтиёзлари ва преференциялар тақдим этиляпти. Экспорт билан шуғул-ланадиган корхоналарга савдо ҳажмидан келиб чиққан ҳолда солиқ ставкаси ка-майтирилди. Янги очилган корхоналар, юридик шахслар мол-мулк солиғидан икки йилгача озод қилинмоқда. Инвес-торлар олиб кириладиган мол-мулк учун божхона божидан озод этилган. Электрон товарлар, қурилиш материал-лари, энгил ва озиқ-овқат саноати маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларга ало-ҳида эътибор қаратилиб, улар инвести-циялар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда уч йилдан етти йилга қадар солиқларининг бир қисмидан озод қилинадилар.

Шавакт Мирзиёевнинг қатъий сиёсий

иродаси туфайли Ўзбекистонда валюта тизимининг эркинлаштирилиши мамла-катнинг муҳим тарихий ютуқларидан бири бўлди. Президент ташаббуси билан на-фақат миллий валютасга нисбатан чеклов-лар бартараф этилди, балки экспорт би-лан шуғулланадиган корхоналарнинг ва-лютада оладиган даромадини мажбурий сотиш амалиёти ҳам бекор қилинди.

Президент давлат корхоналарини хусусийлаштиришни устувор масала сифатида белгилаб берган. Мингдан ортиқ давлат корхоналарини хусусий мулкдорларга сотиш режалаштирилмоқ-да. 2020 йил январь-февраль ойларининг ўзида 148 та давлат активи 6,8 миллион долларга, 37,73 миллион доллар инвести-ция киритиш ва мингдан зиёд янги иш ўринлари яратиш шarti билан хусусий-лаштирилгани бу борадаги ишлар катта қўламага эғалигидан далолат беради. 69 та компанияда давлат улуши ка-майтирилмоқда, улар орасида Навоий ва Олмалиқ шаҳарларидаги тоғ-кон метал-лурга комбинатлари, “Ўзбектелеком”, “Узтрансгаз”, “Ўзбекнефтегаз”, “Ўзметком-бинат” ва бошқалар бор. Президент каро-ри билан “Ўзагроэкспорт” компанияси-нинг мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилишга монополияси бекор қилинди. Натижада ҳар қандай қиллоқ ҳўжалиги корхонаси ўз маҳсулотини чет элга сотиш имкониятини қўлга киритди.

Шавакт Мирзиёев ислохотлари туфай-ли республикадаги сарможий муҳит ях-шиланди. 2016 — 2019 йиллар мобайни-да хорижий инвестициялар оқими 1,7 миллиардан 4,2 миллиард долларга ортди. Утган йили уч мингдан ортиқ инвестиция лойиҳалари Хитой, Жанубий Корея, Россия ва бошқа давлатлар

инвесторлари иштирокида амалга оширилиши бошланди.

Геосиёсий омил

Марказий Осиё ва Ўрта Шарқни боғ-лайдиган йўллар чорраҳасида joyлаш-ган Ўзбекистон ташки сиёсати Шавакт Мирзиёев Президентлиги даврида Рос-сия ва Ғарб ўртасидаги “тартибсиз ҳара-катланишлар”дан турли куч марказлари билан прагматик изчил ҳамкорликка ўтди. Президент қўшни давлатлар билан му-носабатларни йўлга қўйди, Тожикистон билан Роғун гидроэлектростанцияси ту-файли мавжуд келишмовчиликка чек қўйди. Ислохотлар Жаҳон савдо ташки-лотига аъзо бўлиш бўйича музокаралар-га замин яратди. Республика Хитой томонидан амалга оширилаётган “Бир макон, бир йўл” лойиҳасида ҳам шерик сифатида иштирок этмоқда. Кўплаб давлатлар фуқароларининг Ўзбекистон-га келишлари учун виза тартиби бекор қилинди.

Хулоса ўрнида

Амалга оширилган ислохотлар самар-аси ўлароқ, нуфузли “The Economist” Ўзбекистони иқтисодиётни либерал-лаштириш ва сиёсий ўзгаришлар жи-ҳатида 2019 йилда “Йил мамлакати” сифатида эътироф этди, деб ёзади Георгий Кухалейшвили. Тахлилчининг фикрича, ислохотлар динамикаси, миллий тараққиёт ва инвестициялари жалб қилиш борасида Ўзбекистон иккинчи Қатарга айланмоқда.

Анвор МИРЗАЕВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

қилишнинг ўзига хос жиҳатлари атрофлича муҳокама этилди. Маълумки, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказида айни кунларда улуғ аждодимизнинг “Таъвилот ал-Қуръон” асари ўзбек тилига таржима қилинмоқда. Туркиятлик олим бу борада марказ ҳодим-ларига муваффақият тилади. Мулоқот якунида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази-зининг Мармара университети профессори-ўқитувчилари билан илмий ҳамкорликни давом эттириши ҳақидаги тақлифи қўллаб-қувватланди.

Дилшод КАРИМОВ
(«Халқ сўзи»).

Халқ сўзи

Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олишда **давлат хизматларининг автоматик тарзда кўрсатилиши учун тегишли идораларга хабарнома юборилишини ташкиллаштирсин**;

доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олишни талаб этадиган барча давлат хизматлари ҳамда бошқа маъмурий тартиб-таомилларни **вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиниш орқали амалга ошириш** имкониятини яратиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Олий суди мазкур Фармоннинг 2-банди “б” кичик бандида белгиланган муддатлардан келиб чиққан ҳолда **Олий суд ахборот тизимини Ички ишлар вазирлигининг “Манзил” тизими билан интеграция қилиш** чораларини кўрсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги: а) 2021 йил 1 январга қадар **шахсининг ҳазони ижро этиш муассасасидан озод қилинганлиги тўғрисидаги электрон маълумотлар базасини юритиш** тизимини йўлга қўйсин ва ички ишлар органлари тизимида мавжуд ҳужжатлар ва маълумотларни фуқаролардан талаб қилмаслик бўйича чоралар кўрсин;

б) бир ой муддатда ушбу Фармоннинг ижроси юзасидан фуқаролардан келиб тушадиган мурожаатлар асосида тизимли мониторинг олиб бориш мақсадида ўз веб-сайтида тушган мурожаатларнинг мазмуни барчага очик бўлган ва уларни муҳокама этиш имконини берадиган махсус саҳифанинг ишга туширилишини таъминласин ҳамда зарурат бўлганда **идоралараро маълумот алмашинуви тизимини янада такомиллаштириш юзасидан чора-тадбирларни амалга ошириб бorsин**;

в) икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси фуқароларини доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартибининг ислоҳ этилиши ҳамда яратилаётган электрон тизим имкониятларидан келиб чиқиб, **фуқароларни бўлмаган шахслар ва чет эл фуқаролари учун белгиланган тартиботларни такомиллаштириш** юзасидан Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритсин;

г) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **уч ой муддатда:**

паспорт режимини бузиш ҳолатларини аниқлаш тизимини янада такомиллаштириш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритсин;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу Фармонга мувофиқлаштирсин.

9. Вазирлар Маҳкамаси:

бир ҳафта муддатда “Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқласин;

бир ой муддатда ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиришларни қонун ҳужжатларига киритиш чораларини кўрсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазيري А. Н. Арплов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2020 йил 22 апрель	
Юртимиз тасвирий ва амалий санъати ривожида янги уфқлар очилмоқда	
Президентимизнинг қуни кеча қабул қилинган “Тасвирий ва амалий санъат соҳаси самарадорлигини янада оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори миллий тасвирий ва амалий санъат истиқболини белгилاب берган тарихий аҳамиятга эга ҳужжатдир. Унда мазкур жабҳадаги миллий меросимизни тиклаш, Камолиддин Бехзоднинг	бой ижодий меросини халқимизга тўла етказиш, атоқли rassom ва халқ усталари хотирасини абадийлаштириш, ижодий йўналишда олий ўқув юртидан кейинги таълимни ташкил этиш, кадрлари қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳамда бошқа қатор чора-тадбирлар ўз ифодасини топган. Бу борада олиб бориладиган ишларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида соҳа вакилларининг фикр-мулоҳазаларини ёзиб олдик.
Дил сўзи	
Акмал НУРИДДИНОВ, Ўзбекистон Бадий академияси раиси:	
— Соҳамиз ривожини янги босқичга олиб чиқадиган ушбу ҳужжат Бадий академия-миъ аъзоларини, тасвирий ва амалий санъ-ат соҳаси вакилларини, қолавсера, бадий таълим йўналишида фаолият олиб бораёт-ган профессор-ўқитувчиларни, талаба-ёшларни ихтиёзда хурсанд қилди. Қарор би-лан буюк мусаавир, наққош ва миниатюра-соз, бутун дунёга “Шарқ Рафъали” номи би-лан доврқ қозонган Камолиддин Бехзод-нинг хотирасини абадийлаштириш, асарлари-ни оммалаштиришга қаратилган тадбирлар ҳам амалга оширилади. Жумладан, 2020 йил октябрь ойида буюк мусаавир таваллудин-инг 565 йиллиги кенг нишонланиши, Тошкент шаҳрининг кўчаларидан бирига	номи берилиши, 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб олий таълим муассасасларида тас-вирий ва амалий санъат ҳамда дизайн йўналишида таълим олаётган талабалар учун Камолиддин Бехзод номидаги давлат стипендияси таъсис этилиши, ёш истеъдодли ижодкорларни аниқлаш ва уларни қўллаб-қув-ватлаш мақсадида аънанавий “Камолиддин Бехзод издошлари” миниатюра ва халқ амалий санъати асарлари ижодий талови ташкил қилиниши жуда катта воқеадир. Бу бутун халқимиз, хусусан, ёшларнимизда улуг аждодлардан фахрланиш тўғрисиини янада кучайтириши, миллий ғурурни юксалтири-ши, ёш истеъдодларни кашф этишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.
Гулафаз ҚАРШИЕВА, Камолиддин Бехзод номидаги Шарқ миниатюра санъати музейи директори:	
— Қарорда халқумизнинг тасвирий ва амалий санъ-ати эътибор ва қизиқиши-ни оширишга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар белгиланган. Жумладан, му-зейимиз хиббони замонавий қўёфада қайта ташкил эти-лаётган бўлиб, ҳудудимиз-даги Камолиддин Бехзод ҳайкали бронзадан ясалдаи ва қайта ўрнатилди. Экс-понатларимиз сон ва сифат жиҳатидан янада бойити-лади.	музей ва кутубхоналарда Камолиддин Бехзоднинг би-рорта асари сақланмайди. Лекин АКШ, Франция, Миср, Эрон, Россия, Германия му-зейларида бу улуг ижодкор мероси мавжуд. Президенти-миз қарори билан Камолиддин Бехзод ва унинг шоғирдла-ри қаламига мансуб асар-ларнинг асл ёки факсимиле нусхаларини юртимизга олиб келиш чораларининг кўрилиши, шубҳасиз, ажойиб ва хайрли иш бўлади. Бундан ташқари, Камолиддин
Афсуски, юртимиздаги	Бехзод ҳаёти ва ижоди ҳамда унинг Шарқ тасвирий санъатидаги қўшган бекиёс ҳиссасига бағишланган ҳўж-жатли фильмининг тайёрла-ниши, буюк мусаавир ва унинг издошлари асарлари, хаттотлик санъати намуна-лари, замонавий миниатю-ра асарлари қўргазмаси ҳамда илмий-амалий конфе-ренциясининг ўтказилиши юртимизда тасвирий ва амалий санъат соҳасининг янада оммалашшига ҳисса қўшади.
Акмал ИКРОМЖОНОВ, Ўзбекистон халқ rassomi:	
— Устоз кўрмаган шоғирд ҳар макомга йўрғалар, дейди халқимиз. Шу маънода, қарорга мувофиқ ташкил этилаётган Рассом-лик маҳорат устaxonаси тасвирий санъат ижодкорларининг салоҳиятини тўлақонли юзага чиқариб қолмай, соҳада “Устоз — шо-ғирд” ва бадий таълим аънаналарини яна-да ривожлантиришга хизмат қилади. Ўз наъбатида, Рассомлик маҳорат устaxonаси олдига ўқитишнинг илгор усулларини ишлаб чиқши ва ўқув жараёнига ижодий устaxonа-лар фаолиятини татбиқ этиш, тасвирий санъ-ат йўналишларида фаолият олиб бораётган	истеъдодли ижодкорларни саралаб олиш, уларнинг эстетик савияси ва маҳоратини юк-салтириш, чет эллардаги кўргазма ва музей-ларда сақланаётган ноёб асарлар билан яқин-дан танишиш, нусха кўчириш ҳамда тажриба алмashi мақсадида хорижий мамлакатлар-га олий rassomлик курси ёш ижодкорлари-нинг ижодий сафарларини ташкил этиш, юр-тимиз музейлари фондларини юксак бадий қийматга эга бўлган тасвирий санъат асар-лари билан мунтазам бойитиб боришга қўмақлашиш вазифалари ҳам қўйилмоқда.
«Халқ сўзи».	

Ҳукумат ҳисоботига қайси фракция эътироз билдирди?

Вазирлар Маҳкамасининг Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иктисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 2020 йил биринчи чорағидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботида иктисодиёт тармоқларидаги ўсиш суръатлари кўрсаткичлари қандай таҳлил этилди? Бу борадаги вазифаларга эришишда Ҳукуматнинг аниқ стратегияси нималардан иборат?

Сийёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг видеоконференцалоқа тарзида ташқил этилган йиғилишларида депутатлар Ҳукуматнинг ушбу масала юзасидан ҳисоботини эшитишди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзолари ҳисобот даврида қулай инвестиция муҳити эвазига иктисодиётга жалб этилган жами инвестициялар ҳажми 158,9 фоиз ва қурилиш ишлари ҳажми 7,5 фоиз ўсиши кузатилганга эътибор қаратишди.

Таъкидлаб ўтилганидек, бугунги кунда дунёнинг 200 дан ортиқ мамлакатларига тарқалган коронавирус пандемияси сабабли, иктисодиёт тармоқларидаги ўсиш суръатлари секинлашди. Шу боис Президент бошчилигида Ҳукумат томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш ва бошқа глобал хавф-хатарлар даврида иктисодиёт тармоқлари ҳамда соҳаларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш юзасидан барча чоралар кўрилди.

Мамлакат раҳбарининг топириқлари-

дан келиб чиқиб, юборилаётган сўровларга ўз вақтида ва асослантирилган жавоблар бериш, бу борада Олий Мажлис палаталари билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилаётгани эътиборга молик. Жумладан, Вазирлар Маҳкамаси томонидан жорий йилнинг I чорағи бўйича вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар ва бошқа ташкилотларнинг сўровлар ҳамда мурожаатлар билан ишлашга оид фаолияти таҳлил қилинган.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси йиғилишида қайд этилганидек, жорий йилнинг биринчи чорағида кредитлаш ҳажмлари ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 16 фоиз ошиб, жами 30 триллион сўм миқдорида кредитлар ажратилган. Банклар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида қисқа муддатли — ай-

ланма маблағларни тўлдириш учун кредитлар беришга алоҳида эътибор қаратилиб, бу йўналишдаги кредитлар 3 триллион сўмдан ортиқни ташқил этади.

Фракция аъзолари онлайн муҳокама-лар жараёнида таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, спорт ва туризмни янада ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш, диний бағри-кенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш борасида белгиланган чора-тадбирларнинг ижро этилиши ҳолатига алоҳида эътибор қаратишди.

Маълум қилинишича, мамлакатимизда пандемия фондида туризм хизматларини кўрсатиш ҳажми кескин пасайган. Хусусан, 2019 йилнинг январь — март ойларида 1 380 минг нафар хорижий фуқаро ташириф буюрган бўлса, 2020 йилнинг I чорағида ташириф буюрувчилар оқими 12 фоиз камайган. Шунингдек, ҳисобот даврида туризм хизматлари ҳажми 202 миллион АҚШ долларини ташқил этиб, ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 17,8 фоиз камайган.

Сўзга чиққанлар Давлат дастурининг биринчи чорақдаги ижроси юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракцияси аъзолари эътироф этганидек, Давлат дастури 284 та банддан иборат бўлиб, унинг 163 та бандида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш назарда тутилган.

Депутатлар ҳисоботни кўриб чиқишда Ҳукумат томонидан Давлат дастурида назарда тутилган тадбирларнинг ўз мудда-тида ва пухта бажарилишини таъминлаш бўйича Бош вазир ўринбосарлари, маслаҳатчилари ҳузурида мунтазам муҳо-камалар ўтказиш тизими йўлга қўйилган-ига эътибор қаратишди. Таъкидлангани-дек, бу, албатта, давлат бошқаруви органлари ҳамда ҳўжалик бирлашмалари раҳбарларининг масъулиятини янада оширишга хизмат қилади.

Шунингдек, Давлат дастуридаги аксарият вазифаларнинг бажарилмай қолётгани ёки муддати узайтирилгани эътироз-ларга сабаб бўлди. Хусусан, дастурининг 57-банди, яъни юридик фан ва таълимни такомиллаштириш, юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ривожланти-риш бўйича вазифа бажарилмаган. Бу эса депутатлар томонидан тегишли масъу-ларнинг ўзаро ҳамкорлиги етарлича таъ-минланмагани натижаси, дея баҳоланди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси йиғилишида Давлат дастурининг жорий йил биринчи чорағидаги ижроси билан боғлиқ масала атрофлича кўриб чиқилди.

Ҳисоботда келтирилганидек, жорий йилнинг биринчи чорағида ялпи ички маҳсулот ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 4,6 фоиз ўсиши кутилмоқда. Ҳукумат томонидан Давлат дастурида

белгиланган 7 та банд муддатидан аввал ижро этилган.

Фракция аъзолари дастур асосида иж-тимойи соҳада амалга оширилган ишлар, эришилган натижаларга алоҳида эътибор қаратди.

Коронавирус инфекциясига қарши ку-рашиш жараёнида турли хайрияларни эҳтиёжманд оилалар, ёлғиз кексалар, но-гиронлиги бўлган шахслар ва аҳолининг ёрдамга муҳтож бошқа қатламига етказиб бериш мақсадида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузурида Ҳомийлик хайрияларини мувофиқлашти-риш маркази ташқил этилгани, у бугунги кунда самарали фаолият юритаётгани де-путатлар томонидан алоҳида эътироф этилди.

Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси аъзолари муҳокамалар жараё-нида коронавирус билан боғлиқ мурак-каб вазият бутун дунё иктисодиётига, жуда қўллаб соҳалардаги ўсишга жиддий салбий таъсир кўрсатаётгани, Президентимизнинг кўрсатма ва топириқлари асосида мамлакатимизда умумий вазият-нинг барқарорлигини таъминлаш учун барча зарурий чоралар кўрилаётганини алоҳида қайд этишди.

Ҳисобот даврида 63,6 мингта янги иш ўрни ташқил этилиб, 85 минг нафардан ортиқ ишсиз фуқаролар бўш иш ўринла-рига жойлаштирилгани таъкидланди.

Тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўйича 228 та тиббиёт муассасасида қури-лиш-таъмирлаш ишлари амалга оширил-моқда.

Фракциялар йиғилишларида, шунинг-дек, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид бир қатор қонун лойиҳалари ҳам кўриб чиқилди.

Зиёда АШУРОВА
(«Халқ сўзи»).

ЕОИИ билан ҳамкорлик

ташқи меҳнат миграцияси масалаларида қандай ўзгаришларга олиб келади?

Шундан келиб чиқиб, таъкидлаш лозимки, келгусида Ўзбекистон Республикаси Евроосиё иктисодий иттифоқи билан ҳамкорликни тўлақонли амалга оширса, Россия Федерациясида меҳнат қилиш истағида бўлган Ўзбекистон фуқаролари учун бир қатор имтиёзлар қўлланилиши мумкин бўлади.

Биринчидан, меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун Россия Федерацияси томонидан бериладиган рухсат берувчи ҳужжат (патент)ни расмийлаштириш талаб этилмайди.

Иккинчидан, Ўзбекистон фуқароларини Россия Федерацияси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун тегишли тиббий ҳужжатлар, шу давлатнинг тилини, тарихини, қонунчилик асосларини билиши тўғрисида сертификат олиш, суратга тушиш ва мажбурий давлат дактилоскопик рўйхатдан ўтиш талаб этилмайди.

Учинчидан, Ўзбекистон фуқаролари Россия Федерациясида миграция ҳисобида туриши лозим бўлган муддат 7 кундан 30 кунгача узайтирилади.

Тўртинчидан, Ўзбекистон меҳнат мигрантлари Россия Федерациясининг истаган субъекти ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш имкониятига эга бўлади.

Бешинчидан, Ўзбекистон Республикаси фуқароларига иктисодий фаолиятининг Россия Федерацияси ҳукумати томонидан тасдиқланган айрим турларида хорижий ишчиларнинг мумкин бўлган сони, иктисодий фаолиятнинг айрим турларига хорижий ишчиларни жалб қилишни тақиқлаш, Россия Федерацияси субъектлари томонидан белгиланадиган патентлар берилиши ва расмийлаштиришини ман этиш каби чекловлар татбиқ этилмайди.

Бундан кўриниб турибдики, ЕОИИга аъзолик Ўзбекистон Республикаси фуқароларига молиявий оқламанинг камайишига олиб келади.

Қолаверса, фуқароларимизнинг хизматлар кўрсатиш, шу жумладан, чакана савдо, умумий овқатланиш, транспорт, меҳмонхона ҳўжалиги, шунингдек, қурилиш ва қишлоқ ҳўжалиги соҳаларида меҳнат фаолиятини қонунийлаштириш ҳамда расмийлаштириш даражаси ошишига сабаб бўлади.

Бундан ташқари, иш бевуричларда ишга жойлашиш тартибининг соддалаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси фуқароларини бошқа давлатлар фуқаролари ўрнига ишга олиш учун реал рағбатлантирувчи омил пайдо бўлишига, Россия Федерациясида меҳнат қилаётган фуқароларнинг меҳнат ва ижтимоий ҳуқуқлари билан боғлиқ ҳолатлар ҳам сезиларли равишда яхшиланади. Хусусан, ишчи ва унинг оила аъзолари иш бевурич томонидан тақдим этиладиган ижтимоий пакедтан (тиббий суғурта ва бошқалар) сифатли фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

Шунингдек, ҳисоб-китобларга кўра, Ўзбекистонга пул ўтказмалари ҳажмлари ҳозирги 4,5 миллиард АҚШ долларидан тахминан икки йил давомида йилгига 7-8 миллиард АҚШ долларига кўпаяди.

Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ва унинг ваколатхоналари, шунингдек, Ўзбекистоннинг Россиядаги ваколатхоналаридаги меҳнат миграцияси бўйича атташе меҳнат мигрантларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиши осонлаштиришга ҳамда иш бевуричларга, шу жумладан, меҳнат ва ички ишлар органларига таъсир ўтказишнинг расмий йўллридан фойдаланиш имкониятлари кенгайди.

Бунга қўшимча қилиб айтиш мумкинки, россиялик иш бевуричлар билан меҳнат муносабатларини тўғридан-тўғри ҳал этиш имконияти пайдо бўлиши сабабли уюшган меҳнат миграцияси оқими (дастлабки йилда умумий оқимнинг 10 — 20 фоизгача) бирмунча кўпаяди.

Албатта, бу таҳминлар бир томонлама бўлиб, ЕОИИ билан ҳамкорликнинг ташқи меҳнат миграцияси соҳасидаги иjobий хизматларига қаратилган эди. Шу билан биргаликда, таъкидлаш керакики, бунинг ўзига яраша салбий томонлари, юзгага келиши эҳтимоли бўлган қатор муаммолари ҳам бўлиши мумкин.

Нима бўлганда ҳам муҳокамалар ҳали давом этмокда. Ўзбекистоннинг ЕОИИ билан ҳамкорлигининг афзалликлари ва хатарлар жиддий ўрганиб чиқилганидан сўнг келинадиган қўнғий қарор, албатта, мамлакатимизнинг миллий манфаатларига хизмат қилади.

Шерзод ҚУЛМАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Маҳаллий Кенгашлар иш сифатини ошириш — долзарб вазифалардан бири

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Сенатининг 2020 йил 20 январдаги биринчи ялпи мажлисида вакиллик органлари ишини янада фаоллаштириш борасида фикр билдираркан, бунда парламент юқори палатасининг маҳаллий Кенгашлар билан ҳамкорликда олиб борадиган ишларига бир неча бор тўхталиб ўтди. Хусусан, Кенгашлар қанчалик фаол бўлса, Сенат иш шунча самарали бўлишини алоҳида таъкидлаган эди.

Сенатор мушоҳадаси

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда бу бора-да кенг қўламли ишлар амалга ошириб келиняпти. Жумладан, маҳаллий Кенгаш-лар фаолияти ҳокимларнинг вилоят, ту-ман, шаҳар ижтимоий-иқтисодий ривож-ланишининг энг муҳим ва долзарб маса-лалари юзасидан ҳисоботларини тинглаш, иқроия ҳокимияти бўлимлари, бошқарма-лари, бошқа тарихий бўлинмалар, тегиш-лий ташкилот ва идоралар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитиш жорий этилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 17 августда-ги “Тошкент шаҳрида бошқарувнинг ало-ҳида тартибини жорий этиш бўйича ҳуқуқий эксперимент тўғрисида”ги Фар-монига асосан Тошкент шаҳар ва ту-манлар халқ депутатлари Кенгашлари-да маҳаллий бюджет маблағлари ҳисо-бидан молиялаштириладиган ва депу-татлар орасидан бўлган халқ депутат-лари Кенгаши котиби бошчилик қила-диган доимий асосда фаолият юритув-чи халқ депутатлари Кенгаши котибия-ти ташқил этилган.

Бу билан биз ижро ҳокимиятларининг

ишчи аппаратлари маҳаллий Кенгашлар фаолиятига иккиламчи вазифа сифатида қарашади, демокримасмиз. Фикримиз-нинг асл мазмуни шундан иборатки, ало-ҳида вакиллик органи бўлишми — халқ де-путатлари Кенгашларининг фақат ўзига бўйсунадиган ва фаолияти фақатгина Кенгашнинг вазифаларини амалга оширишга қаратилган ижро ҳокимияти-дан мустақил котибият ташқил этиш ма-ҳаллий Кенгашларнинг иш сифатини туб-дан оширишга тўлақонли хизмат қилади.

Юртбошимизнинг сенаторлар жой-лардаги раҳбарлар ҳисоботини эшитиш-и, республика даражасида хал қили-надиган масалаларни Сенат муҳокама-сига киритиб бориши кераклиги, ушбу фаолиятни самарали ташқил этиш ва маҳаллий Кенгашларнинг иш сифатини ошириш мақсадида, уларда доимий асосда ишлайдиган котибият ташқил этиш тўғрисида тақлифи ушбу тузилма-лар фаолияти самарадорлигини оши-ришга катта замин яратди.

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш-ларида доимий фаолият юритувчи ко-тибият ташқил этиш борасида тегишли тақлифлар ишлаб чиқиш вазифасини амалга ошириш керак экан, ушбу коти-биятларнинг ташқилий-ҳуқуқий шаклига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Доимий фаолият юритувчи котиби-ятларнинг тузилиши мумкин бўлган ҳар қандай ташқилий-ҳуқуқий шаклгга тўхта-либ ўтсак. Яъни ушбу котибият “депар-



Экологик таълим концепцияси ишлаб чиқилди

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва шу асосда қабул қилинган “Илм, маърифат ва рақамли иктисодиётни ривожлантириш йили” Давлат дастурида белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиқиб, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, аҳолининг экологик маданиятини янада юксалтириш, самарали ҳуқуқий механизмни яратиш борасида янги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш юзасидан кенг қўламли саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда.

Табиат ва биз

Бинобарин, Президентимиз Олий Маж-лиса Мурожаатномасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик ҳолатни ях-шилашга эътиборни қўчайтиришимиз ке-раклигини алоҳида таъкидлаганди. Шулар-дан келиб чиқиб, биз экологлар айни пайтда аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш, атроф-муҳитга оқилона му-носабатда бўлиш ҳиссини шакллантириш борасида муайян ишларни амалга оширяпмиз. Чунки экологик таълим-тарбия табиат ва жамият ўртасидаги уз-вийликни таъминлаш ҳамда табиий бар-қарорликни сақлашда муҳим аҳамиятга эга.

Экологик таълимнинг замон талаба-ридан четда қолиб кетмаслиги, қонунчи-лигимизда кўрсатилган узвийлик ва узлук-сизлик, тизимлилик, регионаллик, ихтисос-ликка йўналтирилган принципларга мос-лаштири билан ҳамохандир. Шу боис де-путатларимиз томонидан самарали ҳуқуқий механизмларни яратиш борасида изла-нишлар олиб борилмоқда.

Эколог депутатлар ҳамда Ўзбекистон Экологик партияси фаоллари томонидан Ўзбекистон Республикасининг экологик таълим концепцияси ишлаб чиқилгани бу-нинг тасдиғидир. Унда таълим муассаса-ларида ўқитиш жараёнида ўқувчилар он-гичи ҳозирги экологик муаммолар ҳомя-тини очиб бевурич билимлар билан бойи-тиш ва амалий фаолият, ижтимоий меҳ-

нат билан мустаҳкамлаб бориш бўйича му-ҳим вазифалар ўз ифодасини топган. Бун-дай масъулиятли вазифани ҳал қилиш учун ўқитувчидан шу соҳа бўйича кенг билим-га, педагогик маҳоратга, юксак экологик маданиятга эга бўлиш, шунингдек, тиним-сиз изланиш, ўрганиш талаб қилинади.

Шу жиҳатдан концепцияда экологиянинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиқкан ҳолда узлуксиз экологик таълимнинг маз-мун-моҳиятини мактабгача таълим, мак-таб ва мактабдан ташқари таълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими, олий таълим, олий ўқув ўринлари кейинги таълим, кадр-лар малакасини ошириш ва қайта тайёр-лаш бошқичлари қамраб олинди. Унда бел-гиланган чора-тадбирларни рўёбга чиқа-риш учун ўқув муассасаларида узлуксиз экологик таълим ва барқарор ривожланиш таълимини жорий қилиш, бу борада мак-табгача таълим муассасалари тарбиячи-лари, мактаб, ўрта махсус, касб-хунар, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва талабалари учун ўқув-ме-тодик қўлланмалар, дарсликлар яратиш, кўргазмалар ва дидактик материалларни ишлаб чиқиш ва марказлаштирилган ҳолда нашр этишни таъминлаш долзарб аҳа-миятга эга. Шунингдек, мунтазам равишда экофестиваллар ёки танловлар ўтказиш, кўргазмалы материалларни нашр этиш яхши самара беради. Мафруравий таълим

йўналишларини ишлаб чиқишда миллий маънавиятимизнинг экологик таълим йўна-лишидаги серқирра ва теран илдизларига таяниш лозим.

Бундан ташқари, ҳозир ёшларда эко-логик дунёқарашини шакллантириш, аҳоли-нинг экологик маданиятини юксалтириш учун норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз ичига олган экологик қонунлар тўплами яратиш устида изланиш олиб борилаётир. Кенг жамоатчилик, ҳар бир фуқаронинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва эколо-гик ҳавфсизликни таъминлаш соҳасидаги масалаларни ҳал этишда фаол қатнаши-ш юзасидан жойларда экологик тадбир-лар ташқил қилиняпти. Аҳоли орасида тарғибот юритиш мақсадида қатор ўқув-усулбий қўлланмалар яратилди. Таълим муассасаларида экологик марказлар ва тўғараклар, Ўзбекистон Экологик партия-си қoшида Экологик инновациян техноло-гиялар илмий текшириш ва ўқув-ишлаб чиқариш бирлашмаси фаолият юритапти.

Экологик муаммоларга жамоатчилик эътиборини тортиш ва табиати муҳофа-за қилиш ишларини самарали ташқил этиш мақсадида ёшлар орасида волонтер-лик ҳаракати ривожлантирилмоқда. Ёшлар-нинг экологик маданиятини оширишга қаратилган конференция, семинар, давра сўхбатлари ва экологик акциялар узлук-сиз ташқил этиляпти.

Албатта, бу чора-тадбирлар келажак ав-логда обод Ватан, мусоффо табиат, ноёб табиий бойликларни асл ҳолича қолдириш-дек эзгу ишда дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Борий АЛИХОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари,
Абдурахим ҚҮРБОНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Эзгу ташаббус рўёбида тадбиркорларимиз фаол қатнашади

Президентимиз саноат, қурилиш ва инфратузилма тармоқлари корхоналарининг тўлиқ ишлашини таъминлаш масалалари бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида халқимизнинг тарихий ва маданий қадриятларини, меҳр-оқибат, ҳиммат каби юксак фазилатларини инобатга олган ҳолда, “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракатини йўлга қўйиш ташаббусини илгари сурди. Буни юртдошларимиз катта мамуният билан кутиб олди.

Хайрихоҳлик

Ушбу эзгу саъй-ҳаракатнинг сабр-қаноат, меҳр-шафқат ойи бўлимиш Рамазон кунларида амалга оширили-шида ҳам жуда катта маъно муҳас-сам. “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракати давомида имкониятдан ке-либ чиқиб, бир тадбиркор 10 — 20 та оилага қўмаклашишни, энг муҳими, муҳтож оила аъзоларини ишга жалб қилиши мумкин. Ўз навбатида, давлат томонидан бундай тадбиркорларга лизинг, кредит, солиқ тўловлари, за-рур ресурслар билан таъминлаш бўйича имтиёз ва преференциялар берилади. Яъни бу аҳолига давлат томонидан кўрсатиладиган кўмак бўлади.

Юртбошимиз қайси соҳа ҳақида фикр юритиб, қандай қарорга келма-син, бу ишлар, аввало, оддий ода-мларга нима беради, деган нуқтаи на-зардан ёндашади. Бу юксак эътибор, ҳар биримизга, хусусан, биз, депу-татларга ҳам ўз фаолиятининг даво-мида сайловчиларимизнинг оиласи, ҳар бир инсон учун қандай ёрдам қиляпти, деган масалани қўндаланг қўйди.

Мен ушбу ташаббус илгари сурил-ган захотибёк, ўз сайлов округимдаги ижтимоий-иқтисодий вазиятни яна бир бор таҳлил қилдим.

Ҳозирги кунда Узун туманида 39315 та оила мавжуд бўлиб, жами 172 400 нафар аҳоли истикомат қила-ди. Шундан тўққиз нафари якка-ёлғиз кекса киши бўлса, ижтимоий муҳо-фазага муҳтож оилалар 547 тани, кам таъминланган оилалар эса 307 тани ташқил этади. Қолаверса, аҳолининг қўнчилиги тадбиркорликнинг турли йўналишларида, жумладан, савдо-сотиқ, паррандачилик, чорвачилик, асарчилик билан шугулланади.

Ҳозирги карантин билан боғлиқ вазиятдан келиб чиқиб, туманда 2000 дан ортиқ оилаларга 100 дан зиёд тадбиркорлар бириктирилган. Эътибор-лиси, 415 та еҳтиёжманд оилага озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди.

“Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳара-кати кенг қўлоч ёйиши учун туманда

Саховат ва кўмак — улуг қадрият

Мамлакатимизда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан илгари сурилган “Саховат ва кўмак” умумхалқ ҳаракатини халқимиз, кенг жамоатчилик кўтаринки руҳда кутиб олди.

Ҳиммат

Бу бежиз эмас. Чунки одамларимиз табиатан саховатпеша, танти, қадим-қадимдан бир майизни қирқ бўлиб еган. Ўзлари сўйган таомидан ҳамсосига ил-чиши оддий ҳол. Шаҳардек улуг қадри-ятимиз туфайли не-не мушкулотларга ечим топилган. Нурунийларимиз уруш йиллари ҳақида эслаганда, фалончи са-ҳий инсоннинг ҳонадонда дошқозонда овқат пиширилиб, қўпларга ризқ улаш-ган дея ҳикоя қилишади.

Бошқа юртларда камдан-кам кузати-ладиган бундай қадриятларимиз шу кун-ларда янада кенг қўлоч ёзмокда. Сахо-ватпеша тадбиркор, ҳиммати баланд сармоядорларимиз хайрия жамғармала-рига салмоқли улушлар қўшмоқдалар. Масалан



ОДАМЛАР ЭРТАГА ЭМАС, БУГУН ҲАЁТДАН МАМНУН БЎЛИБ ЯШАШИ КЕРАК

Аҳолини узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш устувор вазифа.

Бугунги ҳаётимизни электр энергиясиз тасаввур этиш қийин. Тараққиёт шиддати туфайли ушбу ресурсга бўлган талаб тобора ортиб борапти. Ана шундан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизда барча истеъмолчиларни зарур электр энергияси билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда. Соҳага бўлган эътибор, айниқса, охириги 3 йилда янада кучайганини алоҳида эътироф этиш жоиз. Яширишининг ҳожати йўқ, яқин-яқингача аксарият жойларда, олис қишлоқ ва маҳаллаларда таъминотда тинимсиз узилишлар кузатилади, бундай ҳолат ҳатто кундуз кунлари ҳам рўй беради.

Одамлар ноиложликдан кунига 1-1,5 соат чироқ ёниб туришига кўникиб ҳам қолганди. Лекин аслида ҳозирги замонда бундай шароитни ҳазм қилиш осон эмас. Шу боис табиийки, эътирозлар кўпаярди.

Ҳозир-чи? Эндиликда нафақат пойтахтимиз, вилоят, туман марказлари, балки чекка-чекка манзилларда ҳам чироқ бор, ёруғлик бор. Масалан, Андижон вилоятида ҳам истеъмолчиларни узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш борасида катта қадамлар ташланди. Келинг, шу ҳақда кенгроқ тўхталиб ўтсак.

Паст кучланишли тармоқлар модернизация қилинмоқда

Бу борада гап кетганда, аввало, Президентимизнинг 2016 йил 23 ноябрдаги “2017 — 2021 йилларда паст кучланишли электр тармоқларини модернизация ва янги қуриш дастури тўғрисида”ги қарори, шунингдек, соҳа ривожига доир бошқа бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар, дастурларни алоҳида қайд этиб ўтиш жоиз.

Шулар асосида мамлакатимиз бўйлаб электр тармоқлари ва трансформатор пунктларини таъмирлаш ҳамда реконструкция қилиш ишлари жадал олиб бориляпти. Жумладан, вилоятимизда ҳам бу борада кўплаб саъй-ҳаракатлар амалга оширилди.

Аниқ рақамларни келтирадиган бўлсак, “Андижон ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” акциядорлик жамияти томонидан жорий йилнинг биринчи чорағида 1034,5 млн. кВт. соат, хусусан, аҳолига 618,8 млн. кВт. соат ва улгуржи истеъмолчиларга 415,6 млн. кВт. соат. электр энергияси етказиб берилди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 79,3 млн. кВт. соат ёки 7,7 фоиз кўп.

Ўз навбатида, паст кучланишли тармоқларни модернизация ва реконструкция қилиш дастури доирасида шу йилнинг ўтган даври мобайнида 130,8 километр узунликдаги паст кучланишли электр тармоқлари ҳамда 53 донa трансформатор пунктида янги қурилиш ва реконструкция ишлари бажарилди. Ушбу мақсадлар учун 8 миллиард 309 миллион сўм маблағ йўналтирилди.

Бу борада ҳали қиладиган ишларимиз кўп, муаммолар ҳам йўқ эмас. Шундан келиб чиқиб, жорий йилда 2 та подстанцияга қўшимча кучланишли трансформаторлар ўрнатамиз. Қолаверса, Андижон туманидаги “Оқубобоев”, Избоскандаги “Пахтакор”, Асакадаги “Файзобод” ва бошқа туманлардаги мавжуд подстанциялардаги трансформаторларни юқори кучланишли, ундан қувватлисига алмаштириш кўзда тутилган. Бундан ташқари, Хўжаобод тумани учун янги қуриляётган “Хидирша” подстанциясига ўрнатилган 10 000 кВa қувватли ҳамда “Қамолот” подстанциясига “Т-2” сифатида ўрнатилган

10 000 кВa қувватли трансформаторларни ишга тушириш мўлжалланган. Кейинги йилларда мамлакатимиз бўйлаб амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ва обodonлаштириш ишлари халқимизни жуда мамнун қиляпти. Бунда “Обод қишлоқ” ҳамда “Обод маҳалла” дастурлари ижроси муҳим ўрин тутмоқда. Ушбу лойиҳалар, том маънода, одамларнинг бугунги ҳаётини яхшилаб, эртанги кунга ишончини оширмоқда, десак, муболага бўлмайди.

Мазкур дастурлар доирасида вилоятимизда қўшимча равишда 86,6 километр узунликда паст кучланишли электр узатиш тармоқлари, 47 та трансформатор пунктида реконструкция қилиш, янгиларини қуриш, шунингдек, 72,7 километр узунликдаги электр узатиш тармоғи ва олтимдан ортиқ трансформатор пунктларини мукамал таъмирлаш режалаштирилган. Пировардида эса 18 минг 500 дан ортиқ истеъмолчиларнинг электр таъминоти янада яхшиланади.

Бугун қай ҳудудга борманг, улкан бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўласиз. Ҳозирги эпидемия шароитида ҳам ҳаёт тўхтаб қолган эмас, аксинча, шиддат билан давом этяпти. Барча ўз соҳаси бўйича фаолият юритмоқда. Кимдир онлайн, яна бошқаси ўз иш жойида. Бизнинг соҳада эса, бундай шароитда икки масъулият талаб қилинади. Шунга ҳаракат қилинапти ва эришиляпти ҳам.

Мисол учун, бу йил олдимизда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосидаги арзонлаштирилган уй-жойлар, кўп қаватли арзон тураржойлар, хизмат уйлари, ҳарбийлар ва про-филактика инспекторларига қурилган уй-жойларнинг ташқи электр таъминоти учун жами 11,4 километр электр узатиш тармоқлари ҳамда 20 донa трансформатор пунктини янгидан қуришдек улкан ишлар турибди. Истеъмолчиларнинг электр энергияси таъминотини янада яхшилаш учун 1585,13 километр электр узатиш тармоқлари, 581 та трансформатор пунктини мукамал таъмирлаймиз.

Айни пайтда Хўжаобод тумани Электр таъминоти корхонаси ҳудудида умумий қиймати 2 миллиард сўмлик темир-бетон таянчлар ишлаб чиқариш заводини қуриш ишлари жадал давом эттирилмоқда.

Умуман, юқорида режалаштирилган

чора-тадбирларни амалга ошириш учун маблағ ўз вақтида ажратилляпти. Бу мақсадларга 143,6 миллиард сўм маблағ сарфланади. Натижада 260 та маҳалла фуқаролар йиғини, 245 мингдан ортиқ аҳоли хонадонлари, 410 та ижтимоий соҳа ҳамда 2005 та тадбиркорлик субъектининг электр таъминоти янада яхшиланади.

Демак, ҳамма-ҳамма саъй-ҳаракатлар халқимиз фаровонлиги, Ватанимиз тараққиёти билан бевосита боғлиқдир. Зеро, одамлар эртага эмас, бугун ҳаётдан мамнун бўлиб яшашлари керак.

Президент ташрифидан сўнг...

Давлатимиз раҳбари қайси вилоятга ташриф буюрмасин, албатта, ҳудуд фаоллари билан учрашади, аҳолини қийнаётган муаммоларга, ҳал этилиши лозим бўлган масалаларга алоҳида эътибор қаратади. Шу жумладан, ис-

ли вазирлик ва идоралар ҳамкорлигида “Хидирша” МФЙдаги электр таъминотини яхшилаш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритилди. Шундан сўнг, ушбу манзилда 110/10 кВ кучланишли иккита трансформаторли 16000 кВa подстанция қуриш учун ер майдонлари ажратилди. Бугунги кунга қадар “Электрқишлоққурилиш” АЖ томонидан подстанция ҳудуди тайёрланиб, атрофи девор билан ўралди.

Подстанциянинг 110/10 кВ жиҳозлари учун ерлаш тизими монтаж қилиниб, 5 донa 110 кВ темир-бетон таянч, 4 донa 110 кВ порталлар ва 1 донa очик тақсимлаш қурилмалари учун яшин қайтаргич темир-бетон таянчи ўрнатилди. Бундан ташқари, икки донa металл таянч олиб келинди ва унинг биттаси ўрнатилиб, иккинчиси эса ўрнатиш учун йиғиб қўйилди. Подстанциянинг ички майдони тўлиқ шебен тошлари билан қопланди.



2019-2020 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлик юзасидан **978,0 километр** узунликдаги электр узатиш тармоғи, **350 та** трансформатор, ҳудди шунингдек, **«Обод қишлоқ»** ва **«Обод маҳалла»** дастурлари доирасида **280,8 километр** электр узатиш тармоғи ҳамда **170 та** трансформатор пункти капитал таъмирланди.

ҳисобга олиш ва назорат қилишининг автоматлаштирилган тизимига улангандан сўнг истеъмолчи ва электр таъминоти корхонаси ўртасида бир қатор қўлайликлар яратилди.

Хусусан, истеъмолчи томонидан сарфланган электр энергияси учун тўловларни олдиндан амалга ошириш, электр энергияси истеъмоли ва техник йўқотишлар назоратини олиб боришда қўл келади. Қолаверса, бу тизим орқали аҳолига узлуксиз ва сифатли электр энергиясини етказиб бериш билан бирга, режали ва авариявий ўчишлар ҳақида истеъмолчиларни олдиндан огоҳлантириш мумкин.

Қардор истеъмолчиларни якка тартибда тармоқдан ажратиш ҳамда тармоқда меъёридан юқори кучланиш пайдо бўлганда эса истеъмолчиларнинг электр жиҳозларини ҳимоялаш имкониятини беради.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Ҳисоблагич ўрнатилиб тизимга уланган, кодлар киритилиб, ҳисоб рақам очилади ва истеъмолчиларга “СМС-хабар” орқали барча маълумот автоматик етказиб берилади. Истеъмолчилар мобиль телефон орқали тўловларни онлайн режимида амалга ошириш ва “шахсий кабинет” ёрдамида қанча электр энергияси сарфлаганини кузатиб туриш ва керакли маълумотларни олиш имкониятига эга бўлади.

Ҳозир вилоятнинг барча туманларида истеъмолчилар ҳисоблагичларини электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишининг автоматлаштирилган тизимида ишлайдиган электр ҳисоблагичларига алмаштириш ишлари 30 фоиздан ортган. Бу тадбирларни босқичма-босқич якунига етказиш кўзда тутилган.

Шуниси диққатга молики, мазкур замонавий электр ҳисоблагичлар истеъмолчиларга “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ маблағлари эвазига бепул ўрнатиб беришмоқда. Бундан аҳоли, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам вакиллари жуда мамнун. Бизнинг бош мақсадимиз ҳам аслида шу — амалий ишларимиз билан халқни хурсанд қилиш, улар манфаатини ўйлаб, яхши яшашлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб бериш, ўз навбатида, узлуксиз электр энергияси билан таъминлашдан иборатдир.

Ҳам маблағ иктисод қилинди, ҳам янги иш ўринлари яратилди

Яна бир муҳим жиҳат. Ўтган йили “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖ та-

шаббуси билан ишлаб чиқариш имкониятларини янада кенгайтириш мақсадида “Андижон ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” акциядорлик жамияти қошида траверс ва металл конструкциялар ишлаб чиқариш цехи ташкил қилинган эди.

Аммо юртимизда коронавирус пандемияси сабабли эълон қилинган карантин даврида цех фаолияти тўхтатилган эди. Яқинда давлатимиз раҳбари раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида ишлаб чиқариш субъектлари фаолиятини қайта тиклаш бўйича аниқ вазифалар белгилab берилди.

Шулардан келиб чиқиб, жамиятимиз томонидан бу ерда ишлаб чиқариш жараёни қайта йўлга қўйилди. Албатта, бунда карантин ва инфекция тарқалишининг олдини олиш бўйича белгиланган тартибларга қатъий амал қилинапти. Ишчи-ҳодимлар махсус ҳимоя никоблари, кўлқоплар, антисептик воситалар билан таъминланди. Цехда вақти-вақти билан дезинфекция ишлари ҳам ўтказилмоқда.

Ҳозирги кунда ушбу цехда 12 турдаги сифатли темир қурилмалар тайёрланмоқда. Вилоят электр таъминоти тизимида ушбу маҳсулотларга бўлган эҳтиёж, асосан, шу ерда ишлаб чиқарилаётган қурилмалар ҳисобига қопланмоқда. Қолаверса, бу корхонамизга маълум миқдордаги маблағни иктисод қилиш ҳамда янги иш ўринлари яратиш имконини берди.

Шу билан бирга, бу ерда электр тармоқлари тизими иш жараёнида кенг фойдаланиладиган ускуналар, яъни “ОГ-1”, “ОГ-2”, “М-1”, “М-3” ва бошқа турдаги темир қурилмалар тайёрланади. Қурилмаларни тайёрлашда замонавий токарлик дастгоҳларидан ҳам самарали фойдаланилаётган ишларнинг сифати ҳамда белгиланган меъёрлар асосида бўлишини таъминляпти.

Аниқ миқсоллар билан айтидиган бўлсак, ўтган давр давомида цехда умумий қиймати 50,9 миллион сўмлик 1540 донa траверс тайёрланди. Бунинг натижасида корхона томонидан 53,3 миллион сўм миқдоридagi маблағ иктисод қилинди.

Биз бундан кейин ҳам зиммаимиздаги вазифаларни талаб даражасида бажариш учун бор куч ва салоҳиятимизни ишга соламыз.

Аҳаджон Жўраев,
«Андижон ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» акциядорлик жамияти раҳбари.



«Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурлари ижроси доирасида **86,6 километр** узунликда паст кучланишли электр узатиш тармоқлари, **47 та** трансформатор пунктида реконструкция қилиш, янгиларини қуриш, шунингдек, **72,7 километр** узунликдаги электр узатиш тармоғи ва олтимдан ортиқ трансформатор пунктларини мукамал таъмирлаш режалаштирилган. Пировардида эса **18 минг 500 дан ортиқ** истеъмолчиларнинг электр таъминоти янада яхшиланади.

теъмолчиларни зарур электр ресурслари билан таъминлаш масаласи ҳам четда қолмайди.

Президентимиз ўтган йилнинг май ойида вилоятимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, бунёдкорлик ва бошқа кенг кўламли ишлар билан танишиш мақсадида Андижонга келдилар. Вилоят фаоллари, ташкилот раҳбарлари иштирокида ўтказилган йиғилишда мавжуд муаммолар ечими ва истиқболли лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича зарур кўрсатма ҳамда топшириқлар бердилар.

Ушанда Хўжаобод тумани истеъмолчиларини, шу жумладан, “Хидирша” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи хонадонларнинг электр таъминотини яхшилаш мақсадида аниқ таклиф киритиб, уни амалга ошириш, шунингдек, 2019-2020 йиллар куз-қиш мавсумига пухта тайёргарлик кўриш ҳамда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида кўплаб электр узатиш тармоқлари ҳамда трансформатор пунктларини янгилаш бўйича аниқ вазифалар юклатилганди.

Ушбу топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида бор куч ва имконият сафарбар этилди. Натижада тегиш-

Бундан ташқари, 2019-2020 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлик юзасидан 978,0 километр узунликдаги электр узатиш тармоғи, 350 та трансформатор, ҳудди шунингдек, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида 280,8 километр электр узатиш тармоғи ҳамда 170 та трансформатор пункти капитал таъмирланди.

АСКУЭ тизимининг афзалликлари нимада?

Кейинги йилларда Андижон вилоятида ҳам электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишининг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш ишлари (ЕЕХО ва НКҚТ) босқичма-босқич, режа асосида олиб бориляпти.

Биргина шу йилнинг ўтган даври мобайнида 36 мингдан ортиқ маиший истеъмолчилар ана шу тизимга мос келувчи ҳисоблагичлар билан таъминланди. Бу борадаги ишлар жадаллик билан давом эттирилмоқда.

Ушбу топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида бор куч ва имконият сафарбар этилди. Натижада тегиш-

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 456. 46 439 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳаси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-233-52-55;
Котибиёт 71-233-10-28; Ўқлов 71-232-11-15.



Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг сўзлаб берилиш учун обунани расмийлаштирган ташкилот жаавобгар.
Газета таҳририят марказида термиди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбўтчилик кўчаси, 32-йў.
Навбатчи муҳаррир — О. Файзиев.
Мусахҳиш — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буёқ Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.25 Топширилди — 02.00 1 2 3 4 5 6

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши